O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
KONIMEX TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
КАНИМЕХСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Konimex tumani, Konimex sh., Abay, 13 Канимехский район, пгт.Канимех, ул.Абая,13 тел. 512-12-98

2018 y.(г.) «31» июль К- 520

Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Туман иқтисодиёти тармоқлари ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3849-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 июлдаги Қ-252-сонли қарорлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 16 июлдаги Қ-252-сонли қарори билан куйидагилар:

туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс тадбирлар 1-иловага;

асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда мукаммал таъмирлаш топшириқлари 2-иловага;

асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда жорий таъмирлаш топшириқлари 3-иловага;

ижтимоий соҳа объектларини 2018/2019 йиллар куз-қиш мавсуми давомида баркарор ишлашга тайёрлаш ҳамда мукаммал ва жорий таъмирлаш топшириқлари 4-иловага;

кўп хонадонли турар жой фондини 2018/2019 йиллар куз-қиш мавсумида баркарор ишлашга тайёрлаш ва таъмирлаш топшириқлари 5-иловага;

иқтисодиёт тармоқларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида баркарор ишлашга тайёрлаш учун кўмир ёқилғиси ғамлаш топшириқлари 6-иловага;

иқтисодиёт тармоқларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида баркарор ишлашга тайёрлаш учун суюқ ёқилғи, техник туз ҳамда суюлтирилган газ етказиб бериш топшириқлари 7-иловага;

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида баркарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича туман комиссияси (кейинги ўринларда туман комиссияси деб аталади) таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида баркарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулият тегишли масъул ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклансин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари (С.Хидирбеков) ижтимоий соҳа объектларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида баркарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш ишларини жойларнинг ўзига чиқиб ташкил этсин.

5. Туман ҳокимининг ўринбосари (Н.Нуржаубаев), туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими билан биргаликда 2018 йил 1 августгача бўлган муддатда:

2017/2018 йиллар куз-қиш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини жорий йилда ғамлашда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш асосида туман бўйича аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, 2018/2019 йиллар қиш-баҳор даври учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ҳажмларини белгиласин, нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч ва дуккакли экинлар маҳсулотларини ғамлашга алоҳида эътибор қаратсин;

ғамланиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини сақлашнинг зарур шароитларини таъминлаш ва ғамлашнинг тўлиқлиги ҳамда маҳсулотларнинг зарур тарзда сақланиши учун масъул шахсларни белгилаш бўйича ўрнатилган тартибда аниқ таклифлар киритсин.

6. Туман ҳокимининг 2017 йил 21 июлдаги "Туман иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2017/2018 йиллар куз-қиш даврида баркарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари

тўғрисида"ги К-545-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Туман ҳокимлиги (Далмурадова), "Кенимех таны" газетаси таҳририяти (Наринбетова)лар ушбу қарорни туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштириш ҳамда туман газетасида чоп этилишини таъминлаш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат килишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **М.Эгамкулов**